

LOYINA STRUKTURA

Ўзбекистон Республикаси
«LOYINA STRUKTURA»
маъсуляти чекланган
жамияти

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАЗОРАСП ТУМАН ШОДУ ХУРРАМ
МАХАЛЛАСИ ХАЛҚ СЎЗИ (№1-2-3-4-5-6-7-8-9-10)КЎЧАЛАРИ
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ 2.84 КМ ҚИСМИНИ ЖОРИЙ
ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

**НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ, ЧИЗМАЛАР
ва СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент 2022 й

Ўзбекистон Республикаси
«LOYİHA STRUKTURA»
масъулияти чекланган жамияти

ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ,
НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ, ЧИЗМАЛАР
ва СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ

Директор



М. Матниёзов

ЛБМ

М. Матниёзов

Тошкент
2022 й.

ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ,
НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ, ЧИЗМАЛАР
ва СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ

МУНДАРИЖА

Т/р	Хужжатлар номи	Варақлар
1	Буюртмачининг-2022 йил даги сонли хати	
2	Тушинтириш ёзуви	
3	Смета хужжатлари	
4	Нуқсонлар қайдномаси	
	Чизмалар	
5	Хоразм вилояти Хозарасп тумани Шоду хуррам маҳалласи "Халқ сўзи" (№1-2-3-4-5-6-7-8-9-10)кўчаларини трасса режаси	
6	Лойихавий кўндаланг кесим	
7		

ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ

Хоразм вилояти Хозарасп тумани Шоду хуррам маҳалласи "Халқ сўзи" (№1-2-3-4-5-6-7-8-9-10) кўчаларини автомобиль йўлларининг 2.84 км қисмини жорий таъмирлаш харажатлар сметаси «Loyiha Struktura» маъсулияти чекланган жамияти томонидан "Хозарасп туман ободонлаштириш бошқармаси" томонидан тасдиқланган трасса режаси, андозавий кўндаланг кесим ва нуқсонлар қайдномаси асосида ишлаб чиқилди.

Лойихаланаётган Шоду хуррам маҳалласи "Халқ сўзи" (№1-2-3-4-5-6-7-8-9-10) кўчалари автомобиль йўлларининг узунлиги 2.84км бўлиб Хозарасп туманида жойлашган ва Хозарасп туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан фойдаланилади.

Йўлнинг мавжуд ҳолати.

1. "Халқ сўзи" (№1-2-3-4-5-6-7-8-9-10) кўчалари автомобил йўлининг қопламаси мавжуд эмас, қатнов қисмининг эни 3.5-7-8 метрни ташкил қилади. Мавжуд йўллар узок йиллар давомида фойдаланиш натижасида жуда пасайиб кетган, бўйлама нишаблиги нотекс ҳолатда.

Лойихада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар.

1. "Халқ сўзи" (№1-2-3-4-5-6-7-8-9-10) кўчалари мавжуд автомобиль йўллари қисмидаги нуқсонларни бартараф қилиш, автотранспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш ва автомобил йўлининг ўткази олиш қобилиятини ошириш мақсадида тупроқ йўллар учун лойихада қуйидагилар кўзда тутилди:

1.Йўл ёқасини қопламадан ва йўлнинг баланд қисмида ортикча тупроқни қирқиб олиб автомобиль йўлларининг кўтармасини емирилган жойиларини тиклаш, кўтарма қуриш учун талаб қилинадиган тупроқ йўл қисмида етарли бўлмаганда тупроқ ташиб келинади ва автогрейдр ёрдамида текисланади.

2. Қатнов қисмини автогрейдр билан текислангандан сўнг йўл пойини бир издан 4 марта ўтиш билан 20 тн каток ёрдамида сув сепаб зичлаш.

3. Йўл пойини айрим қисмларини мавжуд эни бўйича айрим қисмларни кенгайтириб шағал қум аралашмаси(ШҚА)дан $h_{yp}=18$ см қалинликда йўл қопламасини ётқизиш.

4.Автомобиль йўлларини кесиб ўтувчи сув қувурлари ёроқсиз ёки йўл пойига нисбатин кичик бўлганда шу қисмларда янги сув қувурларини ўрнатиш назарда тутилди.

Лойихаланаётган йўл бўлагиди йўл ёқасини нотекисликларни бартараф қилиш ва ҳолатини яхшилаш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилди.

5. Йўл ёқасини қопламадан баланд қисмида ортикча тупроқни қирқиб олиб автомобиль йўлининг кўтармасини емирилган жойиларини тиклаш учун ишлатилади.

6. Йўл ёқасини холатини яхшилаш учун текислаш.

Иш хажмларини ҳисоблашда "Хозарасп туман ободонлаштириш бошқармаси" вакили, Шоду хуррам маҳалласи вакили, «Loyiha Struktura» маъсулияти чекланган жамияти вакиллари билан биргаликда визуал текшириш ва инструментал ўлчовлар натижасида тузилган нуқсонлар қайдномаси асос қилиб олинди.

Таъмирлаш ишларини ташкил этиш

Ишни ташкил қилишда қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосланиш зарур:

1. ШНК 2.05.02-07 Автомобил йўллари.
2. ШНК 3.01.01-03 Организация строительного производства
3. Руководство по строительству дорожных асфальтобетонных покрытий

ЛБМ



М. Матниёзов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 13 » апрель

№ПК-5072

Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–6155-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг:

2021 йил май ойидан бошлаб иловага мувофиқ туман (шаҳар)ларда, 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартибни босқичма-босқич жорий этиш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоиздан 30 фоизга ошириш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда мазкур қарор иловасига мувофиқ танлаб олинган туман (шаҳар)лар бюджетларига қўшимча равишда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан 92,7 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган босқичларни инобатга олган ҳолда туман (шаҳар) бюджетлари тасдиқланган харажатларининг 5 фоизига тенг миқдордаги маблағлар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади;

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағлар туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклида очиладиган "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси" шахсий ғазна ҳисобварағида жамланади ва ушбу маблағларнинг бошқа мақсадларга ишлатилиши қатъиян тақиқланади.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Олий Мажлис Сенатига туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш учун киритсин.

Ушбу намунавий низом асосида туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларида икки ҳафта муддатда:

ҳар бир туман ва шаҳарнинг алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини назарда тутган қарор лойиҳасини;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, маҳаллий ижро этуви ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия таркибини тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларни ҳар чорак якунлари бўйича кейинги ойнинг 25 санасида кечиктирмай ўзларининг расмий веб-сайтларига ва "Очиқ бюджет" порталига жойлаштирсин.

Туман ва шаҳарлар ҳокимларига жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга бюджет маблағларининг ўз вақтида ажратилиши ва уларнинг амалга оширилиши жараёнини ёритиб бориш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Молия вазирлигига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш;

жамоатчилик фикри асосида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларнинг шакллантирилиши ва сарфланиши юзасидан ўқув семинар ва тренинглار ташкил этиш, мазкур жараённинг моҳиятини акс эттирувчи ўқув материалларини тайёрлаш;

жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларга йўналтириладиган маблағларнинг шаклланиш ва сарфланиш жараёнлари мониторингини юритиш;

“Очиқ бюджет” порталида жамоатчилик томонидан таклиф қолдириш ва овоз бериш жараёнини услубий, техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқариш.

7. Молия вазирлиги:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар халқаро экспертларни жалб этган ҳолда фуқаролар иштирокидаги ташаббусли бюджетлаштиришни такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда жойларда аҳоли ўртасида ташаббусли бюджетлаштиришни амалга ошириш механизмини, унинг моҳиятини кенг ёритиш мақсадида методик ҳамда ўқув материаллари тайёрланиши ва тарқатилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2021 йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон қарорига
илова

2021 йил майдан бошлаб бюджет харажатларининг
5 фоизи жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни
молиялаштиришга йўналтириладиган туман (шаҳар)лар
РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудуд номи	Туман (шаҳар)лар номи	Қўшимча ажратиладиган маблағ (млн сўм)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Кегейли тумани	3 429
2.	Андижон вилояти	Асака тумани	10 052
3.	Бухоро вилояти	Ғиждувон тумани	9 754
4.	Жиззах вилояти	Дўстлик тумани	2 995
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши тумани	6 992
6.	Навоий вилояти	Хатирчи тумани	7 662
7.	Наманган вилояти	Чўст тумани	8 204
8.	Самарқанд вилояти	Булунғур тумани	6 167
9.	Сурхондарё вилояти	Олтинсой тумани	7 165
10.	Сирдарё вилояти	Ховос тумани	3 825
11.	Тошкент вилояти	Қўйи Чирчиқ тумани	3 913
12.	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри	10 394
13.	Хоразм вилояти	Хонқа тумани	6 507
14.	Тошкент шаҳри	Учтепа тумани	5 622
	Жами		92 681



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ
ҚАРОРИ

**МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ САРФЛАНИШИДА ЖАМОАТЧИЛИК
ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Маҳаллий бюджет маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилиши устидан парламент назоратини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги «Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тартиби босқичма-босқич жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ва шаҳар ҳокимликлари икки ҳафта муддатда:

ушбу намунавий низом асосида ҳар бир туман ва шаҳарнинг алоҳида хусусиятидан келиб чиқиб, туман (шаҳар)лар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини;

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг масъул ходимларидан иборат Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича ишчи комиссия таркибини тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига тасдиқлаш учун киритсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг молиялаштирилиши ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича маълумотларни кенг жамоатчиликка мунтазам равишда етказиш тавсия этилсин.

5. Белгилансинки, жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини ажратиш билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш (худудий телеканаллар ва радиоканалларда кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш, турли хил кўргазмалар буклет ва тарқатма материаллар тайёрлаш ва чоп этиш) билан боғлиқ харажатлар тегишли туман (шаҳар) бюджетларининг захира жамғармалари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Э. Гадоев зиммасига юклансин.

7. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА

Тошкент ш.,
2021 йил 22 апрель,
КҚ-213-IV-сон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли Қарорига
ИЛОВА

**Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида
шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида**

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низоми туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Намунавий низомида қуйидаги асосий тушунчадан фойдаланилади:

жамоатчилик фикри – ушбу Низомда белгиланган тартибда фуқаролар томонидан туман (шаҳар)да мавжуд ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни ҳал этишга қаратилган ишларни (хизматларни) мазкур ҳудуд маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бўйича билдирилган таклифлар.

3. Қуйидагилар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади:

туман (шаҳар)лар бюджетларининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи; туман (шаҳар) бюджетлари кўшимча маблағларининг камида 30 фоизи.

4. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва туман (шаҳар) бюджети маблағларини мазкур тадбирларга йўналтириш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ (схема) амалга оширилади.

5. Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ намунавий таркибда ташкил этиладиган Ишчи комиссия (кейинги ўринларда — Ишчи комиссия) томонидан амалга оширилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

5¹. Туман (шаҳар) ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумот ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ умумлаштирилади.

5². Туман (шаҳар) «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси»дан тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилган маблағлар юзасидан маълумот ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ умумлаштирилади.

(5¹ ва 5²-бандлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарорига асосан киритилган)

6. Туман (шаҳар) молия бўлимлари (кейинги ўринларда — ишчи орган) Ишчи комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

7. Туман (шаҳар) бюджетларининг тегишли маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш учун туман (шаҳар) ҳокимликларида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари шаклидаги «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» шахсий ғазна ҳисобварағи (кейинги ўринларда — Жамғарма) очилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Бунда ғолиб деб топилган ҳар бир тадбир учун алоҳида маблағлар манбаси «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» бўлган шахсий ғазна ҳисобварағи очилади ва барча харажатлар ушбу ғазна ҳисобварағи орқали амалга оширилади.

(7-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарорига асосан иккинчи хатбоши билан тўлдирилган)

8. Туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳар йилнинг февраль ва июль ойларида туман (шаҳар)лар бюджетларининг «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» шахсий ғазна ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашига киритади.

9. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтириладиган маблағлар жамғармага:

Олдинги таҳрирга қаранг.

тегишли туман (шаҳар) бюджетларининг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи миқдоридagi маблағларнинг ярмидан кам бўлмаган қисми — мазкур молия йилининг январь ойида, қолган қисми июнь ойида;

(9-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарори таҳририда)

туман (шаҳар) бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобига ажратиладиган миқдори — халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори қабул қилингандан сўнг уч иш кунида ўтказилади.

10. Жамғарма маблағлари фақатгина жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилади. Мазкур маблағларни бошқа мақсадларга йўналтириш тақиқланади.

11. Тадбирлар учун муайян муддат ўрнатилган бўлса, у ҳолда фойдаланилмай қолган маблағлар тадбирларни ўтказиш муддати тугагандан кейин ўн иш куни ичида тегишли жамғармага тикланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Бунда тадбирларни амалга ошириш ишлари бошланиб, тегишли молия йилида бажарилган ишлар учун маблағлар тўлиқ ўтказиб берилмаган бўлса, тегишли ғазна ҳисоб varaғидаги маблағлар жамғармага тикланмайди ва келгуси йилнинг январь ойида пудратчига тўлаб берилади.

Агар йил якунларига кўра расмийлаштирилган шартномага мувофиқ тадбирлар амалга оширилмаган ёки қисман бажарилган бўлса, шартномада белгиланган тадбирларни ҳамда тўловларни келгуси йилда амалга оширишни назарда тутувчи қўшимча келишув расмийлаштирилади.

Бунда ғолиб деб топилган тадбирлар доирасида ҳисобот йили якунларига кўра тўлиқ бажарилмаган ҳоллар учун истисно тариқасида томонлар ўртасида тузилган шартномаларнинг амал қилиш муддатларини келгуси йил якунига қадар узайтириш бўйича шартномаларга ўзгартиришлар киритилишига рухсат берилади.

(11-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарорига асосан иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилган)

2-боб. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш тартиби

12. Ишчи орган томонидан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдори жорий молия йилининг 1 февralи ҳамда 15 июлига қадар «Очиқ бюджет» ахборот портали ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказилади.

13. Жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларнинг рўйхати бўйича таклиф бериш истагини билдирувчи фуқаролар ўзларининг маҳалла ёки туман (шаҳар)даги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларини молия йилининг 20 февralи ва 5 августига қадар «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради.

14. Жамоатчилик фикри асосида молиялаштириладиган тадбирларнинг рўйхати «Очиқ бюджет» ахборот порталида жойлаштирилган таклифлар асосида шакллантирилади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

15. Таклифлар фуқаролар томонидан республиканинг исталган ҳудуди бўйича фақат бир мартаба берилиши мумкин. Бунда таклиф мазмунан ягона ижтимоий муаммони ўзида акс эттириши лозим.

(15-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарори таҳририда)

16. Таклиф бериш истагини билдирувчи шахслар белгиланган тартибда «Очиқ бюджет» ахборот порталида рўйхатдан ўтади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

17. Фуқароларда «Очиқ бюджет» ахборот порталидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаса, улар ўз таклифларини тегишли маҳалла ёки овулда ташкил этилган «ташаббускорлар бурчаги» орқали қолдиришлари мумкин.

(17-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарори таҳририда)

18. Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирлар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

туман (шаҳар)нинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан келиб чиқиб, шунингдек аҳолидан тушаётган мурожаатлардаги муаммолар;

жамоавий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги (хиёбонлар, болалар майдончаси барпо этиш, ички йўлларни ва ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, экологияни яхшилаш, ичимлик суви ва оқова сув билан таъминлаш, кўча чироқларини ўрнатилтиш (таъмирлаш) ва шу кабилар);

жамоатчилик томонидан билдирилган таклифлар идоравий ёки шахсий хусусиятга эга бўлмаслиги (шахсий автомашина ёки турар жой харид қилиш, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш, маъмурий биноларни таъмирлаш);

Олдинги таҳрирге қаранг.

маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат органларининг бинолари ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига, шу жумладан уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган бўлмаслиги лозим;

кўрсатилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан жорий йилда манзилли рўйхат (худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ёки ташриф баёнлари ва бошқалар) га асосан маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлса, ушбу таклифлар асосланган ҳолда қабул қилинмаслиги лозим;

(18-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарорига асосан бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилган)

берилган таклифларни амалга оширишнинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 минг баробаридан ошмаслиги лозим.

Олдинги таҳрирге қаранг.

19. Ишчи комиссия таклифларни «Очиқ бюджет» ахборот порталига келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда ушбу Низомнинг 15 ва 18-бандларида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги ҳамда тадбирлар амалга оширилиши имкониятларини ўрганади ва таклифларни мезонларга мувофиқ саралаб боради.

(19-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарори таҳририда)

20. Танлаб олинган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағнинг дастлабки миқдори лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича аниқлаштирилади.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича аниқлаштирилган маблағлар миқдори Ишчи комиссия томонидан аниқланган дастлабки миқдордан кўпи билан 5 фоизга ошишига йўл қўйилади.

21. Ишчи комиссия томонидан рад этилган таклифлар бўйича таклиф берган шахснинг шахсий кабинетига рад этишнинг асосланган сабаблари тўғрисида хабарнома юборилади.

Олдинги таҳрирге қаранг.

22. Ишчи орган танлаб олган таклифлар танлаб олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида ишчи орган томонидан онлайн овоз беришни ташкил этиш учун «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштирилади. Овоз бериш таклифлар жойлаштирилган санадан эътиборан йигирма иш куни давомида ўтказилади.

(22-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 21 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарори таҳририда)

23. «Очиқ бюджет» ахборот порталида рўйхатдан ўтган ҳар бир шахс «Очиқ бюджет» ахборот порталида жойлаштирилган фақат бир таклифга овоз бериши мумкин.

24. Овоз бериш жараёни якунларига кўра, ҳар бир худудда энг кўп овоз тўплаган таклифлар ғолиб деб топилади ва таклифларга берилган овозлар сонидан келиб чиқиб юқоридан пастга қараб саралаб олинади.

25. Ғолиб деб топилган таклифларни амалга оширишнинг жами қиймати тегишли жамғармада мавжуд маблағлар миқдоридан ошиб кетиши мумкин эмас.

26. Ишчи комиссия овоз бериш жараёни яқунларига кўра, жамғармадаги маблағлар ҳисобига молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларни овоз бериш жараёни яқунланган санадан эътиборан бир ҳафта муддатда тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига кўриб чиқиш учун киритади.

Молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифларда, қоида тариқасида, объектлар тўғрисидаги маълумотлар (жойлашган жойи, ҳолати, амалга ошириш муддати, буюртмачиси ва бошқалар) кўрсатилади.

27. Ишчи орган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан маъқулланган таклифларни «Очиқ бюджет» ахборот порталида ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб боради.

28. Ишчи комиссия «Очиқ бюджет» ахборот порталига қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар:

жамғармадан йўналтирилган маблағлар тақсимоли тўғрисидаги маълумот;

Олдинги таҳрирга қаранг.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари Ишчи комиссиянинг ҳар йили тегишли туман (шаҳар) ҳокими бошчилигида телевизион каналлар орқали «Ташаббусли бюджет» жараёни амалга оширилиши борасида фуқароларга жонли мулоқотни олиб боришни назарда тутувчи дастурда иштирок этишни йўлга қўйсинлар;

(28-банд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарорига асосан учинчи хатбоши билан тўлдирилган)

жамғармадан йўналтирилган маблағлар бўйича амалга оширилган давлат харидлари тўғрисидаги маълумот;

жамғармадан йўналтирилган маблағларнинг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумот;

жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар доирасида амалга оширилган ишлар акс эттирилган видео-ролик ва фото лавҳалар жойлаштирилишини таъминлайди.

Бунда Ишчи комиссия «Очиқ бюджет» ахборот порталига ҳар ойнинг яқунлари бўйича кейинги ойнинг 10-кунига қадар маълумотлар, видео-ролик ва фотолавҳалар жойлаштирилишини ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилишини таъминлайди.

29. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.

30. Ишчи комиссия ҳар йили 25 январга қадар ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағлар юзасидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳисобот киритади.

31. Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари ҳар йили 1 февралга қадар туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан киритилган ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди.

32. Ишчи комиссия ҳар йили 10 февралга қадар ўтган йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши юзасидан тасдиқланган ҳисоботни «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштиради.

Олдинги таҳрирга қаранг.

32¹. Туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳар чорак кейинги ойнинг 10 кунига қадар ўзларининг расмий веб-сайтларида мазкур Низомнинг 3 ва 4-иловаларида келтирилган тавсиявий шаклларда ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни жойлаштириб боришга масъулдирлар.

32². Худудларда таклифларни саралаб олиш жараёни юзасидан ёки тадбирларни молиялаштириш билан боғлиқ юзага келган низолар Молия вазирлиги томонидан кўриб чиқилади.

(32¹ ва 32²-бандлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 26 январдаги КҚ-302-IV-сонли қарорига асосан киритилган)

3-боб. Яқунловчи қоидалар

33. Туман (шаҳар) бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча хужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгар ҳисобланади.

34. Туман (шаҳар) бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши устидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг худудий бошқармалари томонидан доимий назорат амалга оширилади.

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар конунчилик хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисидаги намунавий низомга
1-ИЛОВА

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва туман (шаҳар) бюджети маблағларини мазкур тадбирларга йўналтириш

СХЕМАСИ

Олдинги тахрирга қаранг.

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Туман (шаҳар) хокимликлари Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши	1. «Фуқаролар ташаббуси жамғармаси» (кейинги ўринларда — Жамғарма) махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириладиган маблағлар миқдорини белгилаш бўйича таклифни тасдиқлаш учун тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашига киритади. 2. Жамғармага йўналтириладиган маблағлар миқдорини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлаш бўйича қарор қабул қилади.	Ҳар чорак яқунлари бўйича кейинги чорак иккинчи ойининг 1-кунига қадар Таклифлар олинган санадан эътиборан уч иш куни ичида
2-босқич	Ишчи орган	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирлар учун назарда тутилган маблағлар миқдори «Очиқ бюджет» ахборот портали ва оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликка етказилади.	Молия йилининг 1 феввали ва 15 июлига қадар
3-босқич	Таклиф бериш истагини	Маҳалла ёки туман (шаҳар)даги мавжуд муаммоларни бартараф этиш	Молия йилининг 20 феввали ва 5



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI XALQ DEPUTATLARI HAZORASP TUMANI KENGASHI QARORI

220700, Hazorasptumani, E.Gayazovko‘chasi, 32-uy, telefon: (62)33-25-579; faks: (62)33-25-579

2022 - yil 9 - aprel

VI-82-74-12-174-K/22

Hazorasp tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 сентябрдаги «Очиқ бюджет ахборот партали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПК-5250-сонли қарорига асосан 2022 йил феврал ойи босқичида ғолиб бўлган ва шартли ғолиб бўлган таклифларга маблағ ажратиш тўғрисида

Ҳазорасп туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикрлари асосида 2022 йил феврал ойи босқичида ғолиб бўлган ва шартли ғолиб деб топилган тадбирларга маблағларни йўналтириш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг ҳисоботини атрофлича муҳокама қилиб, Халқ депутатлари туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И

1. Ҳазорасп тумани ҳокимининг 2021 йил 28 апрелдаги “Ҳазорасп туман маҳаллий бюджети маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида” 57-249-сон қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакиллантириш, баҳолаш, танлаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича комиссиянинг хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “openbudget.uz” портали орқали овоз бериш жараёнида ғолиб деб топилган тадбирларга маблағларни йўналтириш тўғрисидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил феврал ойи босқичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг openbudget.uz расмий веб сайти орқали жамоатчилик фикри асосида билдирилган таклифларга берилган овозлар кетма-кетлиги 1-иловага мувофиқ

тасдиқлансин.

3. Хазорасп туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” маблағлари ҳисобидан жамоатчилик фикрлари асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “openbudget.uz” портали орқали овоз бериш жараёнида 1-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400335 “Шоду Хуррам маҳалласининг Ҳалк сўзи кўчасини тамирлаш” таклифи учун 600 000 000 (олти юз миллион) сўм, 2-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400265 “Ҳазорасп туманидаги 48-сон мактабни таъмирлаш” таклифи учун 550 000 000 (беш юз эллик миллион) сўм, 3-ўрин билан ғолиб деб топилган ID 1580400235 “Мухомон қишлоғида жойлашган болалар ва ўсмирлар спорт мактабини тамирлаш” таклифи учун 600 000 000 (олти юз миллион) сўм, 4-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400255 “Ҳазорасп туманидаги 3-сон боғчани ремонт қилиш керак” таклифи учун 500 000 000 (беш юз миллион) сўм, 5-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400285 “Ҳазорасп туман ахборат кутубхона марказининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш керак” таклифи учун 300 000 000 (уч юз миллион) сўм, 6-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400120 “Ҳазорасп тумани Ойбек МФЙ худудидаги эски тузруқхона йўлини асфалт қилиш зарур” таклифи учун 1 000 000 000 (бир миллиард) сўм, 7-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400118 “Бўстон МФЙ А.Ўтар кўчасини йол қисмини таъмирлаш” таклифи учун 250 000 000 (икки юз эллик миллион) сўм, 8-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400113 “Ҳазорасп тумани овшар қишлоғи ички асосий йўлини асфалт қилиш аҳоли саломатлиги учун жуда муҳим” таклифи учун 500 000 000 (беш юз миллион) сўм, 9-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400322 “Овшар маҳалласини катта йулдан кирадиган қисмини асфалт қилиш” таклифи учун 950 000 000 (тўққиз юз эллик миллион) сўм, 10-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400319 “Овшар маҳалласи идора йўлини асфалт қилиш” таклифи учун 600 000 000 (олти юз миллион) сўм, 11-ўрин билан ғолиб деб топилган ID1580400175 “Овшар МФЙ йўлларини тамирлаш” таклифи учун 500 000 000 (беш юз миллион) сўм ҳамда шартли ғолиб деб топилган ID1580400011 “Овшар маҳалласидаги йўллари тамирлаш керак шпест ташлаш керак йуллар лой ва чанг” таклифи учун 100 000 000 (юз миллион) сўм маблағлар шу мақсадлар учун йўналтирилсин.

4. 2022 йил феврал охи босқичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг openbudget.uz расмий веб сайти орқали жамоатчилик фикри асосида 2022 йил феврал охи босқичида ғолиб бўлган ва шартли ғолиб деб топилган таклифларнинг молиялаштириш бўйича манзилли рўйхат 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Хазорасп туман ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси

жамғармаси” ҳисобида 2022 йил феврал ойи боскичида ўтказилган “Ташаббусли бюджет” жараёни ғолибларини молиялаштиришдан кейин қолган 15 590 000 (ўн беш миллион беш юз тўқсон минг) сўм маблағлар 2022 йил июл ойи боскичида ўтказиладиган “Ташаббусли бюджет” учун йўналтирилсин.

6.Туман Молия бўлими (Ш.Хужаниязов) га ушбу қарордан келиб чиқиб кўрсатилган маблағларни режалаштириш учун туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси ҳамда туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ш.Пирнафасов)га тегишли тартибда ишларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

7.Хазорасп туман ғазначилик бўлими бошлиғи (А.Худайберганов) га туман ҳокимлиги молия бўлими томонидан режалаштирилган маблағлар бўйича юридик ва молиявий мажбуриятларни рўйхатга олган ҳолда тўловларни амалга ошириш вазифаси топширилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Ғ.Саттаров ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакиллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохатни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия (Қ.Назаров) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



У.Машарипов

Xalq deputatlari Hazorasp tuman Kengashining
2022 yil 9 apreldagi
VI-82-74-12-174-K/22-son qaroriga
2-ilova

Хазорасп тумани бўйича 2022 йил феврал ойи босқичида жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

№	Ғолиб таклиф маълумотлари		Амалга оширишнинг аниқланган қиймати	Молиялаштириш манбаси (ФТЖ, қўшимча манба, бюджет параметри)	Буюртмачи ташиқлот
	Таклиф ID рақами	Қисқача мазмуни			
"Фукарорлар ташаббуси жамғармаси" да шаклланган маблағ					
1	1580400335	Шоду Хуррам махалласининг Халқ сузи кучасини тамирлаш	957	Фукарорлар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
2	1580400265	Hazorasp tumanidagi 48-son maktabini ta'mirlash.	886	Фукарорлар ташаббуси жамғармаси	Туман халқ таълими бўлими
3	1580400235	Muxomon qishlog'ida joylashgan bolalar va o'smilar sport maktabini tamirlash	765	Фукарорлар ташаббуси жамғармаси	Туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби
4	1580400255	Хазорасп туманидаги 3-сон боғчани ремонт қилиш керак.	727	Фукарорлар ташаббуси жамғармаси	Туман мактабгача таълим бўлими
5	1580400285	Hazorasp tuman axborot kutubxona markazining moddiy texnika bazasini mustahkamlash kerak.	577	Фукарорлар ташаббуси жамғармаси	Туман ахборот-кутубхона маркази
6	1580400120	Hazorasp tumani Oybek MFY hududidagi eski tug'ruqxona yo'lini asfalt qilish zarur	361	Фукарорлар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси

7	1580400118	Bo'ston MFY A.O'TAR ko'chasini yo'l qismini ta'mirlash	350	250 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
8	1580400113	Xazorasp tumani ovshar qishlog'i ichki asosiy Yo'lini Asfalt qilish Aholi salomatligi uchun juda muhim!.	325	500 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
9	1580400322	Овшар маҳалласини катта йулдан кирадиган қисмини асвалт қилиш	274	950 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
10	1580400319	Ovshar mahallasi idora yo'lini asvalt qilish	264	600 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
11	1580400175	Овшар МФЙ йулларини тамирлаш	200	500 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси
Шартли ғолиб						
1	1580400011	Овшар маҳалласидаги йуллари тамирлаш керак шпест ташлаш керак йуллар лой ва чанг	10	100 000 000	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	Туман Ободонлаштириш бошқармаси

"УТБЕРЖДАЮ"

Начальник управления по благоустройству
р. Хазорасп



РЕКОМЕНДУЕМЫЕ СРЕДНИЕ ЦЕНЫ НА ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ СТРОИТЕЛЕЙ, МАШИН МЕХАНИЗМОВ, МАТЕРИАЛЬНЫЕ И ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА ПО КАПИТАЛЬНОМУ И ТЕКУЩЕМУ РЕМОНТУ ОБЪЕКТОВ
УПРАВЛЕНИЕ ПО БЛАГОУСТРОЙСТВУ РАЙОНА ХАЗОРАСП

№	Наименование машин-механизмов, оборудования и автотранспорта	Ед. изм	Рекомендуемые цены (БЕЗ НДС)	Примечание
1	2	3		6
1	Затраты труда рабочих-строителей	чел-ч	16 803,83	Каталог 3 кв 2021 г.
2	Прочие затраты подрядчика	%		
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ				
3	Автогрейдер GR-165	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
4	Автогрейдер GR-165	маш/ч		Шовот ТЙФУК Эке. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
5	Автогрейдер GR-165	маш/ч		Янгиарик ТЙФУК Эке. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
6	Автогрейдер GR-180	маш/ч		Богог ТЙФУК Эке. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
7	Автогрейдер XMGA-180C	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Эке. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
8	Автогрейдер АГ-180	маш/ч		Гурлан ТЙФУК Эке. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
9	Автогрейдер АГ-180	маш/ч	228 741,60	Янгибозор ТЙФУК Эке. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
10	Автогрейдер ДЗ-99	маш/ч	134 471,50	Шовот ТЙФУК Эке. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
11	Автогрейдер ДЗ-122	маш/ч		Хива ТЙФУК Эке. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
12	Автогрейдер ДЗ-122	маш/ч		Хонка ТЙФУК Эке. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.
13	Автогрейдер ПК-165	маш/ч		Гурлан ТЙФУК Эке. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
14	Каток XD82 (8тн)	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
15	Каток XS 143L (14тн)	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
16	Каток XMR 303S (3тн)	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
17	Одновальцовый вибратор XS123H (12,5тн)	маш/ч	241 951,30	Шовот ТЙФУК Эке. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
18	Каток двухвальцовый XD82 (8тн)	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Эке. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г.
19	Каток XD81C (8тн)	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Эке. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
20	Каток XP 163 (6тн)	маш/ч		Хива ТЙФУК Эке. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
21	Каток двухвальцовый XMR3035 (3,5тн)	маш/ч		Урганч ТЙФУК Эке. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
22	Каток дор вибратр НАММ HD70 (8тн)	маш/ч	202 809,40	Богог ТЙФУК Эке. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
23	Вибратор XD81E XUGO0822PHJE02783 (8тн)	маш/ч		Янгиарик ТЙФУК Эке. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
24	Пневмоколесный дорожный каток XP163 16тн	маш/ч	167 528,90	Янгиарик ТЙФУК Эке. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
25	Вибратор XD81E (8тн)	маш/ч		Хонка ТЙФУК Эке. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.
26	Каток XD81E (8тн)	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Эке. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
27	Каток 13 тн (прицепной)	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Эке. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
28	Асфальтоукладчик RP603L	маш/ч	343 809,00	Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
29	Асфальтоукладчик ВУ-1804	маш/ч		Хива ТЙФУК Эке. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
30	Асфальтоукладчик RP 903	маш/ч		Урганч ТЙФУК Эке. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
31	Асфальтоукладчик RP 603	маш/ч		Богог ТЙФУК Эке. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
32	Асфальтоукладчик SINOWAY SWAP 4,5M	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Эке. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
33	Дорожная фреза XM 1003	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
34	Дорожная фреза XM 503	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Эке. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
35	Дорожная фреза XM 503 с резцом	маш/ч	256 984,70	Шовот ТЙФУК Эке. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
36	Дорожная фреза (2м)	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Эке. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г.
37	Дорожная фреза XM 503	маш/ч		Хива ТЙФУК Эке. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
38	Дорожная фреза (0,5м)	маш/ч		Хонка ТЙФУК Эке. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.
39	А/м зил -431610 бортовая	маш/ч	81 524,10	Шовот ТЙФУК Эке. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
40	А/м ISUZU NQR 71PL бортовая	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Эке. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г.
41	А/м ISUZU NQR 71PL бортовая	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Эке. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
42	Зил -130 бортовая	маш/ч		Хива ТЙФУК Эке. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
43	А/м ЗИЛ-130 бортовая	маш/ч		Хонка ТЙФУК Эке. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.
44	Автомашина ГАЗ-53	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Эке. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
45	Грузовая а/м ISUZU NQR71 PL бортовая	маш/ч		Урганч ТЙФУК Эке. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
46	Автоцистерна - автоудранатор ISUZU FVR	маш/ч	142 654,00	Шовот ТЙФУК Эке. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
47	Автоудранатор емк. 8,0м3	маш/ч		Богог ТЙФУК Эке. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
48	Поливомоечная машина MAN CLA 18.280	маш/ч		Гурлан ТЙФУК Эке. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
49	Поливомоечная машина ISUZU ПМ-8	маш/ч		Янгиарик ТЙФУК Эке. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
50	КДМ MAN CLA (поливомоечная машина)	маш/ч		Хонка ТЙФУК Эке. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.

51	Водовоз ISUZU ПМ-8	маш/ч		Хоразм ЙМФУК Экс. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
52	Автокран КС-4574 М ISUZU 16тн	маш/ч		Хоразмйулжурилиш УК Экс. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г.
53	Автокран Фотон КС-55724	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
54	Автокран КС-4574 М ISUZU FVR33 GLD 16тн	маш/ч	166 599,40	Урганч ТЙФУК Экс. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
55	Автокран КС-55724 (6x4) 25тн	маш/ч	190 983,00	Урганч ТЙФУК Экс. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
56	Автокран МА3-5334 КС-3571	маш/ч		Богот ТЙФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
57	Автокран ЗИЛ-130	маш/ч		Гурлан ТЙФУК Экс. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
58	Автокран SAZ-NP37 50тн	маш/ч	290 641,60	Хоразм ЙМФУК Экс. Зак. №194/1-2020 от 03.03.2020г.
59	Движок KIPOR KDE700 EW	маш/ч	28 241,00	Гурлан ТЙФУК Экс. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
60	Комбинированная машина MAN	маш/ч	177 305,20	Хива ТЙФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
61	Кран манипулятор 4x2 5,3 тн	маш/ч		Хоразмйулжурилиш УК Экс. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г.
62	Кран манипулятор ISUZU FVR	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
63	МАН-КМА 5611 Монеуплятор	маш/ч		Хива ТЙФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
64	Кран манипулятор (4x2) 5,3тн	маш/ч	123 467,70	Урганч ТЙФУК Экс. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
65	Кран манипулятор MAN CLA	маш/ч		Хонка ТЙФУК Экс. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.
66	Кран манипулятор MAN CLA 16 220	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Экс. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
67	Трактор ТТЗ-80,10	маш/ч		Шовот ТЙФУК Экс. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
68	Трактор ТТЗ-LS Plus 100	маш/ч		Шовот ТЙФУК Экс. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
69	Трактор П.-100	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
70	Трактор ТТЗ 8010	маш/ч		Хива ТЙФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
71	Трактор МТЗ-80	маш/ч		Хива ТЙФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
72	Трактор Т-28x4	маш/ч		Богот ТЙФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
73	Трактор ТТЗ-80 10	маш/ч		Богот ТЙФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
74	Трактор ТТЗ 80 10 с прицепом	маш/ч		Гурлан ТЙФУК Экс. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
75	Трактор гусеничный Т-4А (Кирковшик)	маш/ч	107 709,10	Янгиарик ТЙФУК Экс. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
76	Трактор ТТЗ-8010 с прицепом (Каткавоз по 2200)	маш/ч		Янгиарик ТЙФУК Экс. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
77	Трактор ТТЗ-8010	маш/ч	92 754,10	Хонка ТЙФУК Экс. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.
78	Трактор ТТЗ-80 10	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Экс. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.
79	Погрузчик XMG FH-50	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
80	Погрузчик К-701	маш/ч		Богот ТЙФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
81	Экскаватор-погрузчик WZ30-25	маш/ч		Шовот ТЙФУК Экс. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.
82	Экскаватор-погрузчик New Holland	маш/ч	203 557,10	Хоразмйулжурилиш УК Экс. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г.
83	Экскаватор-погрузчик New Holland	маш/ч		Хоразмйулиндурия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г.
84	Фронтальный погрузчик WZ 30-25	маш/ч		Хива ТЙФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.
85	Экскаватор-погрузчик New Holland B90B	маш/ч		Урганч ТЙФУК Экс. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.
86	Экскаватор-погрузчик JCB 3DX	маш/ч		Богот ТЙФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.
87	Экскаватор-погрузчик WZ-3025	маш/ч		Гурлан ТЙФУК Экс. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.
88	Экскаватор-погрузчик JCB 3DX	маш/ч		Янгиарик ТЙФУК Экс. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.
89	Экскаватор-погрузчик JSB 3DX	маш/ч		Янгибозор ТЙФУК Экс. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.

МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ

90	АСФАЛЬТОБЕТОННЫЕ СМЕСИ МЕЛКОЗЕРНИСТЫЕ ТИПА Б М-2	т	575 115,00	Хоразмйулиндурия УП Экс. Зак. №73-02-2022 от 23.02.2022г.
91	АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ КРУПНОЗЕРНИСТАЯ ТИП Б М-2	т	485 264,00	
92	БИТУМ БНД 60/90	т	3 433 518,00	Калькуляция "Хива" ТЙФУК 13.12.2019 г.
